# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 16 май, № 98 (6281) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида:

1. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидагилар инобатга олинсин:

тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар — тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига юклатилсин.

2. 2015 йилнинг 1 июлидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади;

молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади;

қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъий ижро этилишида қабул қилинган нормаларни амалиётга жорий этиш устидан назоратни кучайтирсин, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун ваколатли назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин;

2015 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбектелеком” АК Қўнғироқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази ва Бош прокуратура “ишонч телефони” базасида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш тизимини ташкил этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тегишли даъвони кўриб чиқиш даврида тадбиркорлик субъекти томонидан шикоят қилинганда судларга назорат қилувчи орган қарори ижросини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади;

солиқ ва божхона қонунчилиги тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилиши билан боғлиқ ҳолатда уларнинг мол-мулклари фақат суд қарори бўйича мусодара қилинади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан эътироз қилинадиган қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари хўжалик суди қарори бўйича ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари даъволарини кўриб чиқиш муддати, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали тезлаштиришни таъминлаш бўйича суд органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида таклифлар киритсин.

5. 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” (кейинги ўринларда “бир дарча” марказлари) тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда, “бир дарча” марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан:

2015 йилнинг 1 июлига қадар турли идоралар ҳузуридаги “бир дарча” хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилсин, “бир дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимга интеграция қилинсин, таъсис ҳужжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилсин;

“бир дарча” марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланиши таъминлансин, шу муддатдан бошлаб “бир дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқлансин.

8. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса “бир дарча” марказларини молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг даромадига ўтказилсин, келиб тушган маблағлар фақат марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 15 май

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 — 2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрирда), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

*Тошкент шаҳрида 2015 йил 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг биринчи кунида сенаторлар томонидан 10 та масала кўриб чиқилди. Уларнинг 7 таси социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғи асралишини, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар алоҳида таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.*

Жумладан:

Европа Кенгаши Президенти — **Дональд Туск**

Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти — **Жан-Клод Юнкер**

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири — **Нарендра Моди**

Филиппин Республикаси Президенти — **Бениньо Акино**

“Россия темир йўллари” ОАЖ президенти — **Владимир Якунин**

“Боинг” компанияси Директорлар кенгаши раиси ўринбосари, “Боинг — фуқаро самолётлари” компанияси президенти ва бош ижрочи директори — **Рэй Коннер**

Бирлашган Араб Амирликларининг “Air Arabiya” авиакомпанияси бошқарув кенгаши раиси — **Абдуллоҳ бин Муҳаммад Ол Соний**

“Исузу Моторс Лимитед” президенти ва репрезентатив директори — **Сусуму Хосои**

табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



## Аҳоли фаровонлиги, юрт равнақи

### сенаторлар томонидан кўриб чиқилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Мажлисда қайд этилганидек, Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг шу йил 23 январь куни бўлиб ўтган мажлисида уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Хусусан, қонунларни давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ҳамда амалий муҳокама қилишни таъминлаш муҳимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Сенатнинг 2015 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилиниб, бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Бу ҳақда сенаторлар мухбиримизга берган интервьюси чоғида алоҳида таъкидлаб ўтди.

**Тожибар ЮЛДАШЕВА, Хўжаобод туманидаги “Шаҳрихонсой” шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, сенатор:**

— Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Хотира ва Қадрлаш куни шукуҳи кезиб юрган бир пайтда бўлиб ўтмоқда. Ҳар бир масала юзасидан муҳокамага чиқаётган, фикр билдираётган сенаторларимиз юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, одамларимизнинг бугунги кунидан розилигини алоҳида қайд этишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой эгаллади. Ўтганларни хотирлаб, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Энг муҳими, Президентимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда таъкидлаганидек, истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билмоқда, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлмоқда. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилаётган ҳар бир масала ана шу эзгу ютуқ ва марраларимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик тараққий этган давлатлар қаторидан жой олишдек улуғвор мақсадларга йўналтирилгани билан жуда муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХУСУСИЙ МУЛК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексига хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Савдо-сотиқ қоидалари, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилмоқда. Жуда катта миқдорда зарар етказилишига олиб келган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно.

Тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-тақсимот ва маъмурий-хўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш чоралари белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига ноқонуний равишда моддий мукофот олганлик (тижорат пораси), ваколатларини суиистеъмол қилганлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун нисбатан юмшоқ жазо чораларини назарда тутувчи алоҳида моддалар киритилади. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳолда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Қўзғатилган жиноят ишлари доирасида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширувлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган адвокатлар иштирокида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда (хўжалик юритувчи субъект ёзма равишда мазкур ҳуқуқни рад этган ҳоллар бундан мустасно).

Дастурда барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, эндиликда қонунчиликда тадбиркорлик субъектлари учун кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишда турли ёзма аризалар билан мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдолар орқали тадбиркорлик субъектларидан бирламчи эҳтиёждаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали 24 соат узлуксиз амалга оширилади.

Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган "бир дарча" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "бир дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур ҳужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг билдириш тартибини жорий этиш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари ва муддатларини оптималлаштириш ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини тақдим этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жиноий жавобгарлигини жорий этиш ўта муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режали текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилади. Мазкур тартибга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори билан амалга оширилади. Айни пайтда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар фақат охирги режали текширув давридан кейинги муддатни қамраб олиши шарт. Тадбиркорлик субъектларига йўл қўйилган хатоларни текширув давом этаётган даврнинг ўзида тўғрилаш, шу орқали фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши ва тугатилишининг олдини олиш имконияти яратилмоқда.

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва улар фаолиятига доир комплекс текширувлар тайинланишидан аввал ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Назорат қилувчи органларнинг фаолияти айнан шу мезон асосида баҳоланади.

Бу чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилишни назарда тутади.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий судига манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилди.

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан бузиб ташлаганлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп маротаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизмини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси маъмурий ва жиноят қонунчилигида ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралашиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутадиган алоҳида XVI[1] бобини киритиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, Ўзбекистон иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида
# АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар ишни **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган.



«Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги амалдаги Қонуннинг ўрнини босиши керак бўлган мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги транспорт воситаларида ташувлар амалга оширилаётганда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали кафолатли равишда қоплашга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган янги таҳрирдаги **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидландики, Қонуннинг янги қоидалари қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ ҳуқуқий тартиб-таомилларни, шу жумладан, янги молиявий воситаларни соддалаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонунда қимматли қоғозларга доир битимлар тузишда имтиёзлар ва преференциялар белгиланмоқда, замонавий электрон технологияларини кенг жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилмоқда. Қонунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб боришга қўйилган талаблар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу соҳада қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик шартлари ва механизмлари қайта кўриб чиқилмоқда ҳамда белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция муҳити ва ишчанлик муҳитини, фонд бозоридаги хизматлар сифатини яхшилашга, мулкдорлар синфи ўсишига ва аҳоли учун даромадлар манбаларини кўпайтиришга, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун капитал, шу жумладан, чет эл инвестициялари оқиб келишига кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар янги таҳрирдаги **«Электрон тижорат тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун Ҳукуматнинг 2014 йил 17 январда бўлиб ўтган 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган.

Муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, Қонун электрон савдога замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, битимлар тузиш тартиб-таомилларини янада осонлаштиришга, электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қоидаларни ўз ичига олади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорликни ривожлантириш ва ишчанлик муҳитини яхшилаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилишини, электрон тижоратнинг янада такомиллаштирилишини таъминлаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларига оид амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий қоидаларини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур қўшимчалар вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи халқ депутатлари Кенгаши томонидан ҳар йили эшитиб борилишини назарда тутувчи Конституциянинг 103-моддасига киритилган тузатишлар доирасида киритилмоқда.

Таъкидландики, таклиф этилаётган қўшимчалар Вазирлар Маҳкамасининг, вилоятларнинг тегишли мажлисларидан сўнг ўтказиладиган минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида халқ депутатлари Кенгаши томонидан ҳоким ҳисоботини эшитишнинг ҳуқуқий механизмини белгилаб бермоқда. Бунда вилоят ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимининг ҳисоботи Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда, туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эса Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мажлисларида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокама этилади.

Сенаторлар вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишда Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари вакилларининг иштирок этишини, халқ депутатлари Кенгашининг қарорини қабул қилиш механизмини назарда тутувчи нормаларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Халқ депутатлари Кенгашининг қарорида ҳоким ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигининг комплекс таҳлили ҳамда унга берилган баҳо, уни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар, шунингдек, қарор рўёбга чиқарилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш чора-тадбирлари келтирилган бўлиши керак.

Сенаторларнинг фикрича, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган тузатишлар ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини янада кучайтиришга, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини, минтақани ривожлантиришга доир энг муҳим масалалар мунтазам кўриб чиқилишига, ҳокимлар томонидан ҳисоботлар берилаётганда такрорланишларни бартараф этишга, ҳисоботларнинг жойларда самарали муҳокама этилишини уюштиришга кўмаклашади.

Сенаторлар амалдаги қонун ҳужжатларига, жумладан, Фуқаролик процессуал кодексига, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонунларга киритилаётган бир қатор бошқа муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар суғурта бозорини янада такомиллаштириш, суд жараёнига электрон ҳужжатлар айирбошланишини жорий этиш, фуқаролар соғлиғини асраш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунларни ва мамлакатимиз Президентининг қарорларини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар У. Муҳаммадиевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлиси ишининг биринчи куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Аҳоли фаровонлиги, юрт равнақи

## сенаторлар томонидан кўриб чиқилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Мирзаҳмад ШОИМОВ, "Сирдарё иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти бош директори, сенатор:**

— Бугун юртимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини кенгайтириш ва самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ҳамда жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада қонунлар, фармон ва қарорлар амалиётга татбиқ этилаяпти. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган янги таҳрирдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун ҳам ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилгандир.

Ушбу Қонун Президентимиз томонидан парламент палаталарининг шу йил январь ойидаги қўшма мажлисида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари, тадбиркорлик субъектлари, соҳа мутахассислари, жамоат ташкилотлари иштирокида республикамизнинг барча ҳудудларида кенг муҳокама қилинди. Сенаторларимиз ва мутахассисларнинг фикрича, янги таҳрирдаги Қонун инвесторлар учун қўшимча кафолатлар механизмини яратиб, инвестиция воситачиларининг масъулиятини янада оширади. Натижада ҳудудларга жалб этилаётган инвестиция оқими кўпайиб, ижтимоий инфратузилма, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш борасидаги лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилишнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланади.

**Тоҳир БАХРОНОВ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг "Бухоро" халқаро аэропорти директори, сенатор:**

— Халқаро экспертлар республикамизни улкан бунёдкорликлар, беқиёс ўзгаришлар мамлакати сифатида ҳақли равишда эътироф этишмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгараётганига, аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшилмоқда, айни пайтда йўловчилар, ташувчилар учун ҳам қатор қулайликлар яратилаяпти, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини муҳофазалаш чоралари кучайтирилаётир. Пировардида транспортда йўловчиларни ташиш жараёнида уларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласига кундан-кун эътибор ошмоқда.

Бугун сенаторлар атрофлича кўриб чиққан "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳам аҳолига, айниқса, йўловчиларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътиборнинг мантиқий давоми, деб баҳолаш мумкин.

Шуни айтиш керакки, вилоятимизда сенаторлар мутахассислар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда, уни ҳудудимиз ва аҳолимиз манфаатларига мослиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқдик.

**Турғун ИСКАНДАРОВ, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:**

— Сенаторлар томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган. Қонун Сенатга келиб тушгач, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, соҳа вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, қўмитамиз Қонуннинг сифати ҳамда таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, ушбу ҳужжатни батафсил ўрганиб чиқди.

Шуни қайд этиш керакки, янги таҳрирдаги Қонун юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, хўжалик юритувчи, хусусан, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг юқори иқтисодий натижаларга эришишида мустаҳкам асосга айланади. Экспертларнинг фикрича, ушбу ҳужжат мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги, инвестициявий фаоллигини юксалтириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлиги ва сифати ошишида айни муддао бўлади.

**Гулчеҳра САТТОРОВА, Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директори, сенатор:**

— Сенат ялпи мажлисида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонунлар кўриб чиқилди. Шу жумладан, сенаторлар "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш киритиш ҳақидаги масалани атрофлича муҳокама қилишди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Хусусан, мамлакатимиз Конституциясига ўтган йили киритилган тузатишларга мувофиқ, ижроия ҳокимият органлари, ҳокимларнинг вакиллик органлари олдидаги масъулияти оширилди. Мазкур демократик меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини яратиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман ва шаҳарнинг ўтган йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тақдим қилинади. Бу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда, самарали муҳокамалар ташкил этилишини, ҳокимлар томонидан ҳисоботлар тақдим қилинишида такрорийликни истисно этишни таъминлашга ва пировардида маҳаллий вакиллик органларининг ролини янада оширишга хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# Инсон ҳаёти ва саломатлиги — олий қадрият

*Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти ва саломатлиги энг олий қадрият даражасига кўтарилган. Бинобарин, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб эл соғлиғини асраб-авайлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, энг сўнгги талабларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан узоқни ўйлаб амалиётга татбиқ этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ана шу ислоҳотлар рўёбида бош дастуриламалдир.*

ТИББИЁТ

Кеча пойтахтимизда ўз ишини бошлаган Ўзбекистон онкологларининг III конгресси очилиш маросимида шулар алоҳида таъкидланди. Унда АҚШ, Швейцария, Германия, Австрия, Нидерландия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон каби қатор давлатлардан 200 нафардан ортиқ олимлар, юртимиздан соҳанинг 450 нафар вакили, ёш тадқиқотчилар қатнашаяпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда хавфли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичлари ортиб бораётир. Масалан, ҳар йили Европа қитъасида саратон касаллиги қарийб 3,5 миллион инсонда аниқланиб, уларнинг 1 миллион нафардан зиёди ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти. Мазкур рақамлар, айниқса, экологик муҳит носоғлом мамлакатларда юқорилигича қолмоқда.

Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган эътибор онкологик хизмат сифати юксалиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топаяпти. Хусусан, илғор ташхислаш ва даволаш усуллалан ёндашилмоқда, — деди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Марказимиз шаҳар ва вилоят онкологик диспансерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда беморларга малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Шифо масканимиз 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўртта клиник бўлим, учта илмий, битта клиник лаборатория, шунингдек, нур, ультратовуш диагностикаси, юқори энергия ва патоморфология бўлимларидан иборат. Клиник бўлимларда барча аъзоларнинг онкологик касалликлари жарроҳлик, кимётерапия ҳамда нур терапиясини комплекс қўллаш усули билан даволанади. Зеро, марказда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш устувор йўналишлардан биридир.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, сўнгги етти-саккиз йил ичида марказда меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларида жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Қувонарлиси, МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташлангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда, пластик-тиклаш жарроҳлиги қўлланилмоқда. Мазкур услуб ўз самарасини бераяпти. Шундай амалиётлар бугунги кунгача юзлаб беморларда қўлланилди. Улар орасида хасталикдан фориғ бўлгач, соғлом ҳаёт кечириб, яна меҳнат фаолиятини давом эттираётганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Энг муҳими, бундай ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари фақат республика муассасасида эмас, балки вилоятлар ва шаҳарлар онкологик диспансерлари мутахассислари томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Зотан, жойлардаги ихтисослаштирилган онкологик даволаш муассасаларида юқори технология асосидаги энг нозик операцияларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилгани беморлар умрига умр қўшишда муҳим роль ўйнаяпти.

Шулар қаторида, марказ етакчи мутахассислари соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туманларга бориб, ўсмаолди ва эрта босқичдаги ўсма турларини аниқлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар истеъмолини жамоат жойлари, мактаблар ҳамда шифохоналарда чеклаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу каби тадбирларга олий ўқув юртлари, коллеж ўқитувчи-ўқувчилари, бирламчи бўғин ва умумий амалиёт шифокорлари, туман онкологлари жалб этилаяпти. Булар эса ўсма касалликларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ҳамда онкологик эҳтиёткорлик даражаси сезиларли ортишида катта аҳамиятга эга бўлаётир.

Беморларни ҳисобга олишда ягона электрон база яратилгани соҳадаги яна бир ютуқдир. Шу асосда хавфли ўсма касалликлари билан хасталанган беморларни ҳисобга олиш, уларни текшириш, даволаш ва кузатиш ишлари устидан доимий мониторинг олиб бориш имконияти яратилди. Мутахассисларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ҳам доимий диққат-эътиборда.

Конгресс давомида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Ўз навбатида, унинг доирасидаги шуъба йиғилишларида етакчи олимлар, шифокорларнинг соҳадаги долзарб мавзулар ва муаммоларга оид маърузалари тингланмоқда. Айни чоғда "Онкология — 2015" кўргазмаси ҳам бўлиб ўтаяпти.



Анжуман якунида тегишли резолюция қабул қилинади. Мазкур ҳужжат хавфли ўсмаларни ташхислаш ҳамда даволаш дастурини амалга ошириш, онкологик беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва барча давлатлар онкологларининг ҳамкорликда фаолият юритишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳадаги етакчи журналларда нашр қилиниб, тиббиёт илми мутахассисларининг кенг доирасига етказилади. Бу эса онкологик касалликларнинг олдини олиш, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни халқаро стандартлар даражасига етказишда алоҳида ўрин тутади.

Умуман, иштирокчилар фикрига кўра, Конгресс жаҳон онкологияси мактаби ривожи учун яна бир илдам қадам бўлиши, шубҳасиз.

— Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман, — деди Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, академик Михаил Давидов. — Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларингизга кўпчиликнинг ҳаваси келмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида самарали ислоҳотлар олиб борилиб, қатор давлат дастурлари амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ўз натижаларини бераяпти, албатта. Ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, жумладан, ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ҳамда гинекология илмий-амалий, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари қатори онкология диспансерлари ҳам фаолияти йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Республика Онкология илмий маркази фаолияти билан яқиндан танишман. У кўркам биноларда жойлашган, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланган. Конгресс ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга яхши туртки беришига ишончим комил. Унда замонавий онкохирургия асосларига оид маърузам билан иштирок этаяпман.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, онкология тизими билан танишув чоғида жабҳада илғор шакл ҳамда услублар амалиётга жорий қилинаётганига шоҳид бўлдим, — деди Америка онкологлари ассоциацияси вакили (ASCO) Неведа Дамьянов. — Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, бунинг учун зарур инфратузилма, моддий-техник база барпо этишга устувор аҳамият қаратилгани кўп ўтмай ўз самараларини кўрсатгани ҳақида яқиндан хабардор бўлдим. Чекка ҳудудларда янги, ихчам ва замонавий врачлик пунктлари, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил қилингани эл саломатлиги муҳофазаси, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришнинг ажралмас бўғинига айланган. Шулар қаторида, онкологик хизмат такомиллаштириб борилаяпти. Булар ўсма касалликларини эрта босқичларда аниқлаш, беморларни ҳаётга қайтариш, уларнинг умрини узайтиришга йўналтирилган, албатта. Ўтказилаётган анжуман онкологик беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясида қўлланилувчи технологиялар, тадқиқотлар бўйича ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш, самарали алоқаларни йўлга қўйишда катта имкониятдир.

— Ўзбекистонда давлат бюджетининг қарийб олтмиш фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани ҳақида хабардор бўлдим, — деди Корея Республикаси Сеул миллий университетининг Бунданг шифохонаси бўлим мудири Жунгхун Ли. — Тўғриси, жаҳонда кузатилаётган ҳозирги мураккаб шароитда бу ҳавас қилишга арзигулик кўрсаткич. Бундай юксак эътибор самарасини мамлакатда аҳоли соғлиғини сақлаш борасидаги муваффақиятларда кўриниб турибди. Ўзбекистонда яхши ривожланган, арзон ва ҳамма фойдаланиш имконига эга бўлган қулай тиббиёт хизматлари яратилган. Оналар ҳамда болалар саломатлигини асраш ҳамиша эътиборда. Шаҳару қишлоқлардаги шароитлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгилаб қўйилган оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши тўғрисидаги талабларга жавоб беради. Буларнинг барчаси БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни ҳал этиш ҳамда Ўзбекистоннинг янада тараққий топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Ўзбекистонга бешинчи маротаба келишим, — деди Грац тиббиёт университети профессори, "Европа кардиорадиология жамияти" ассоциси ва биринчи президенти Райнер Риенмюллер (Австрия). — Тўғриси, бу сафар Тошкент янада замонавийлашиб, чирой очибди. Ушбу янгиланишларга монанд юртингиз тиббиёти ҳам жадал ўсиб бораётир. Уни бир сўз билан ифодалаб бериш қийин. Очиғи, Республика онкология илмий маркази фаолияти билан яқиндан танишман. У ердаги шароит, қулайликлар юксак даражада. Бу ерда беморларга юқори даражада хизмат кўрсатиш учун неки зарур бўлса, барча-барчаси муҳайё қилинган.

Мазкур Конгресс соҳадаги долзарб масалаларни таҳлил қилиш, мутахассислар билан илмий суҳбат қуриш борасида, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитиши, шубҳасиз. Ушбу тадбир нафақат маҳаллий, балки жаҳон онкологиясининг илмий-амалий ҳамда фундаментал асосларини такомиллаштиришга муҳим роль ўйнайди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ.**



# ОЛТИН ОВОЗЛАР СЕҲРИ

*"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ёш опера ижрочиларининг "Ёшлик баҳори" республика кўрик-фестивали ғолиб ва совриндорлари ҳамда Ёшлар йиғма симфоник оркестри ижрочилари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.*

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда мусиқа ихлосмандлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий симфоник, камер, халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг истеъдодини камол топтириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, опера санъатини ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янги поғонага кўтарди.

Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етказиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, онгу шуурида она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, шунингдек, аждодларимиздан қолган беназир мусиқий асарларни ёшлар қалбига сингдириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ўзининг ёрқин самарасини бермоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қароридан сўнг юртимизнинг барча ҳудудида бири-биридан муҳташам санъат кошоналари бунёд этилиб, уларда ўзбек мумтоз ҳамда жаҳон санъатининг нодир турлари ёшларимизга чуқур ўргатилмоқда. Хусусан, машҳур итальян операси ҳам навқирон авлод вакилларининг энг севимли машғулотларидан бирига айланган. Шу боисдан операга ихлосманд ёш санъаткорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Энг муҳими, улар мумтоз санъат намуналарини шу даражада маҳорат билан ижро этишаяптики, ёшларимиз иқтидори нафақат мамлакатимиз бастакорлари, балки дунёнинг кўзга кўринган забардаст опера хонандалари ҳамда мутахассислари томонидан ҳам алоҳида эътирофини топмоқда.

Дарвоқе, барча соҳалар сингари санъат ҳам кишидан катта истеъдод ва маҳорат талаб қилади. Айниқса, ўзида бир қатор жанрларни мужассам этган опера санъат йўналишлари ичида энг мураккаби ва гултожидир. Шунинг учун ҳам маданияти юксалган халқларда ушбу ижро тури алоҳида қадрланади.

Пойтахтимизда ниҳоясига етган ёш опера ижрочиларининг "Ёшлик баҳори" республика кўрик-фестивали ҳам ўғил-қизларимизнинг иқтидорини кенг намойиш этишга хизмат қилди. Хусусан, мазкур мусиқа анжумани юртимиздаги кўплаб ёш истеъдодларни кашф этиб берди.

— Мамлакатимиз иқтидор эгаларига жуда бой, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри хонандаси Рамиз Усмонов. — Ушбу фестивалда қатнашган кўплаб ёш ижрочиларимиз салоҳияти ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Уларнинг билими, маҳорати, интилишлари ва таъбир жоиз бўлса, олтин овозлари ҳар бир санъат ихлосмандида катта қизиқиш уйғотди.

Умуман олганда, Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган ушбу санъат байрамида ёшларимиз жаҳонга машҳур опералардан ариялар, романслар ижро этишди. Таниқли композиторлар, хонандалар, концертмейстерлар ва бошқа мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Кўрик-фестиваль натижаларига кўра, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари Фарангиз Шамсиева 1-ўрин, Беҳзод Давронов 2-ўрин ҳамда Ангелина Аҳмедова 3-ўрин соҳиби бўлишди. Қолаверса, турли йўналишлар бўйича ёш иқтидор эгалари аниқланиб, рағбатлантирилди.

— Тадбир доирасида кўплаб истеъдодли тенгқурларим билан танишдим, — дейди фестиваль ғолибаси Фарангиз Шамсиева. — Албатта, бу юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг яққол самарасидир. Ушбу муваффақиятим эса мени халқаро миқёсдаги танловларда ғолиблик сари руҳлантириши табиий.

Концертда ёш ижрочилар томонидан ўзбек ва жаҳон композиторларининг энг сара асарларидан намуналар куйланди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.


ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2014 йил 29 июлдаги 2-83-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «SHARQ» хусусий корхонасига тегишли, Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Ўрдабоғ маҳалласи, Дўстлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 1005,1 кв.м., фойдаланиш майдони 859,39 кв.м. бўлган меҳмонхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 868 159 251 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 17 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 15 июнь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Учқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 8 январдаги 3215/100-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қўғай таъмирлаш» МЧЖга тегишли, Учқўрғон тумани, Ҳамза қишлоғи, «А. Рустамов» МФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 1814,10 кв.м., қурилиш ости майдони 1257,20 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 462 536 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 1 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР:207122519.

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиали**

***қуйидагиларни маълум қилади.***

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 7 майдаги 90(6273)-сонида чоп этилган эълон билан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалида 2015 йил 29 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига чиқарилган, Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 16 сентябрдаги 16-1303/8019-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Анора барака савдо» МЧЖга тегишли, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Оқтош» ҚФЙ, Оқтош маҳалласида жойлашган паррандахона ва молхона ҳамда кичик новвойхона бино-иншоотлари, шунингдек, Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 16 сентябрдаги 16-1303/8019-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ҳаракат КМ» фермер хўжалигига тегишли, Наманган вилояти, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, Орзу маҳалласида жойлашган молхона ва ёрдамчи бино-иншоотлар аукцион савдосидан олинди.

**Асос:** Суд департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 11 майдаги 16-01-2219/2-сонли алоқа хати.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (0-369) 227-97-01. www.1kms.uz**

714А/02

Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 5 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:**

**1.** Боғдод тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 15-12-01/6268-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Боғдод тумани, «Зафаробод» ҚФЙ, Зафаробод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1782 кв.м., фойдаланиш майдони 2018,27 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги икки қаватли марказий таъмирлаш устахонаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 229 351 734 сўм.***

2. Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 8 апрелдаги 15-1305/8376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, Чиркай қишлоғида жойлашган, умумий майдони 73,50 кв.м., фойдаланиш майдони 37,87 кв.м. бўлган ҳовли-жой.

***Бошланғич баҳоси — 6 101 082 сўм.***

**3.** Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 2 майдаги 15-14-08/6311-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Чинобод» ШФЙ, Ойдинкўл қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 191,17 кв.м., фойдаланиш майдони 152,33 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги эҳтиёт қисмлар сақлаш омбори ва қурилиши тугалланмаган сауна.

***Бошланғич баҳоси — 39 873 587 сўм.***

**4.** Қува тумани СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2011 йил 16 ноябрдаги 1-4091/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Ўзбек кўчаси, 390-уйда жойлашган, умумий майдони 327,12 кв.м., фойдаланиш майдони 157,66 кв.м. бўлган ҳовли-жой.

***Бошланғич баҳоси — 11 250 000 сўм.***

**5.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 15-14-09/8109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Янгиобод» МФЙ, Али Қушчи кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 119,08 кв.м., фойдаланиш майдони 99,71 кв.м. бўлган, 0001-0003, 0005-0007-литерлардаги қозонхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 80 981 211 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2015 йил 3 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

706А/34

Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Андижон вилояти хўжалик судининг раиси Анвар Шукуруллаевга падари бузруквори

**Ҳамид ШУКУРУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Аброр Латиповга падари бузруквори

**Умар ЛАТИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

714А/02

# БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

*Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасида бўлгани каби маданий соҳада ҳам туб бурилиш ясади. Жумладан, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратила бошланди.*

*Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони музейлар ишини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.*




## 18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Бугунги кунда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 444 та музей фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай масканлар раҳбарлари ҳамда илмий ходимларини музей иши соҳасидаги янгиликлар, илғор тажрибалар билан яқиндан таништириш, кўргазмалар ташкил этишда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекмузей” жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Музейлар бошқаруви” мавзуида ўтказилган семинарлар бунга яққол мисолдир. Уларда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон геология музейи, Халқаро Амир Темур фонди, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти вакилларидан иборат мутахассислар гуруҳи қатнашиб, машғулотлар олиб боришди. “Ўзбекистонда музейларни ташкил этиш масалалари”, “Музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш тартиби”, “Музейнинг илмий концепцияси”, “Музей фаолиятида ташрифчилар учун хизматлар ва ҳамкорлик масалалари”, “Музейларга болаларни жалб этишда педагогик технологияларнинг ўрни” ва “Виртуал музей истиқболлари” каби мавзулардаги маърузалар тадбир иштирокчиларининг соҳага оид билимларини бойитишда алоҳида ўрин тутгани шубҳасиз.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида музейлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар кўлами бекиёс. Юксак эътибор туфайли яна кўплаб музейлар бунёд этилди, мавжудларининг иши эса замон талаблари даражасида йўлга қўйилди, музей-қўриқхоналар ташкил қилинди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз археология музейи, Олимпия шон-шуҳрати музейи каби ўнлаб масканлар барпо этилгани ва Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги очиқ осмон остидаги музейлар қайтадан таъмирлангани фикримиз тасдиғидир.

Пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмон саёҳати давомида, албатта, Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам бўлади. Ушбу муҳташам мажмуада Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти, санъати билан яқиндан танишиш мумкин. Экспонатлар аждодларимизнинг улкан салоҳиятидан сўзлайди. Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги осориатиқалар эса ўзбек давлатчилиги тарихининг нақадар қадимийлиги ва юксаклиги тўғрисида сўзлайди, қолаверса, ҳар бир даврга оид ашёлар бетакрорлиги билан кишида ҳайрат туйғусини уйғотади. Қатағон қурбонлари хотираси музейи кўргазмалари Ватанимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган фидойи фарзандлар тўғрисида маълумот беради. Бу музей ёш авлод онгида истиқлол неъматининг нақадар бебаҳо ва юксак эканлиги, унинг қадрига етиш кераклиги ҳақида янада теран фикр уйғотади. Термиз археология музейида сақланаётган археологик топилмалар ҳам ноёблиги, илмий тадқиқотлар учун манба бўла олиши билан қадрлидир. Олимпия шон-шуҳрати музейи истиқлол йилларида мамлакатимиз спортчиларининг энг нуфузли халқаро мусобақаларда қўлга киритган улкан муваффақиятлари тўғрисида кенг маълумот етказади. Ўзбекистон халқ амалий санъати, Ўзбекистон давлат санъат музейларидаги экспонатлар халқимизнинг бой ҳунармандчилик хазинаси, ўзига хос тасвирий санъат асарлари, уларнинг жанрларини тараннум этади. Қадимий шаҳарларимиздаги очиқ осмон остидаги музейлар эса дунёнинг турли томонларидан келаётган сайёҳларни ҳайратда қолдирмоқда ва уларнинг оқими йилдан-йилга ортиб бораяпти.

Айтиш жоизки, музейшунослик кенг фан тармоғи бўлиб, ўзида тарих, археология, санъатшунослик, социология, педагогика, фалсафа, эстетика, компьютер технологиялари каби бир қатор соҳаларни қамраб олган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида музейшунослик йўналиши фаолият юритади, айнан ушбу таълим даргоҳи соҳа учун кадрлар тайёрлаб берадиган ягона илм маскани ҳисобланади. Бу ерда талабалар бакалавр, магистратура ҳамда докторантура босқичларида таҳсил олишади.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўсиб келаётган ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишини ҳурмат қилиш ҳамда эъзозлашни сингдириш ва аҳолининг дам олишини мазмунли ташкил этиш борасида яна бир муҳим қадам бўлганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу қарорга мувофиқ, ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар давлат музейларига бепул киритилаяпти. Бунинг аҳамияти эса ниҳоятда катта.

Халқаро музейлар кенгашининг Бош конференцияси қарорига асосан, 1977 йилдан буён 18 май — Халқаро музейлар куни сифатида нишонлаб келинади. Ушбу сана мамлакатимиз маданий ҳаётининг ҳам муҳим воқеаларидан бирига айланган. Шу куни ўзбек музейлари жамоатчиликни ўз фаолиятининг янги жиҳатлари билан таништиради, очиқ эшиклар кунлари ўтказилади, турли кўргазмалар ташкил этилади.

**Мухтасар айтганда, музейлар маънавий етук, комил инсонни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади. Сақланаётган тарихий ашёлар, нодир қўлёзмалар, ҳужжатлар авлодларга тарихдан, аждодларимиз ҳаёти, юксак маънавиятидан ҳикоя қилади. Бу эса ёшлар қалбида ота-боболаримиз қолдирган меросга ҳурмат, эъзоз ва муҳаббат туйғусини уйғотиш билан бирга, уларда шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш туйғусини ҳам шакллантиради.**

**Дилафрўз ҚУРБОНОВА,**
**Темурийлар тарихи Давлат музейи бўлим мудири, тарих фанлари номзоди.**

## СПОРТ

*Челябинск шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича катталар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати ўзбекистонлик спортчилар учун муваффақиятли бошланди.*

### Ҳамюртимиз жаҳон чемпионати совриндори

Буни мусобақанинг дастлабки кунида ҳамюртимиз Никита Рафалович кумуш медални қўлга киритгани ҳам тасдиқлаб турибди. Тажрибали спортчимиз вазни 74 килограммгача бўлган таэквондочилар баҳсида габонлик Хермен Дюппасау, полинезиялик Ремуэла Тинирау, таиландлик Пиратеп Сила-Он, Жанубий Корея вакили Хун Ким ва малилик Исмоил Кулибалини мағлубиятга учратиб, ана шундай натижага эришди.

Жаҳон чемпионатида Никитадан ташқари Жасур Бойқўзиев, Сарвар Шералиев, Дмитрий Шокин, Максим Рафалович, Владислав Хан ва Динара Мамадиброҳимова каби иқтидорли таэквондочиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаяпти.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

UZBEKNEFTEGAZ

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси

КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНА ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!

*Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган ушбу соҳани ривожлантириш орқали она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз ҳаёти фаровонлигини таъминлаш йўлидаги меҳнатларингизда омад тилаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга хотиржамлик ва бахт-саодат ёр бўлсин!*

713R/1051



IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти

жамоаларини ҳамда тармоқдаги барча корхона кончи ва металлургларини

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни билан муборакбод этади!

Уларга муваффақият ва улкан зафарлар, оилавий бахт ҳамда саломатлик тилайди.









709R/317

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5